

## УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

**Юсупова Мунаввара**

*(Юсуф). Тўрткўл туман Ахборот кутубхона маркази да фондларни ташкил қилиши, сақлаш ва қайта ишлов бериши хизмати раҳбари.*

*Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира*

**Аннотация:** *Ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдзларидан бири бўлган Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим бу шеъриятга етмишинчи йилларда ўзгача бир нафос, ўзгача бир руҳ билан кириб келди. Бу руҳ унинг куз ҳақидаги шеърларида айниқса яққол кўзга ташланади. У ўз дардларини ёзар экан, натижада шу дардлар билан бахтли эканлигини эътироф этади. Сухбатига тор келган замонда энди Раҳмон билан суҳбатлашини зикр этади. Унинг шеърияти йигит кишига хос бўлган мардлик, қандайдир бир илоҳий шиддат ва жасорат каби фазилатларни ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам Усмон Азим шеърияти ўқимшили, китобхони кенг доирада.*

**Калит сўзлар:** *Тиг, бог, чақмоқ, ҳаяжон, чумолилар, ниначи, Қоражон-Ҳаёт.*

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятини ўқир экансиз, шеърларининг ўзи сизга бағрини очаетганини ҳис қиласиз. Бу шеърлар учун таржимон ёки мунаққид шарт эмас. Шоирни ҳаракатлантириб турувчи нарса бу дард, бу ҳис-ҳаяжон, бу меҳр-муҳаббат эканлиги тобора юрагингизнинг энг чуқур еригача етиб боради.:

Юрак тортилди таранг-  
Етишиб келар нола.  
Тигнинг устида яланг  
Яшаш-бизга ҳавола.

Рухим-дардвашлик кўйда...  
Яшамокнинг чораси...  
Узилар юрак бўйлаб  
Тўқималар толаси.

Узилар бир-бир, ноҳос--  
Узилган каби чақмоқ.  
Ёришиб кетар мумтоз,  
Тўрт фасл қоришган боғ.

Дунё. Айқашиб ётар,  
Қанча куз, қанча баҳор,  
Минг ҳаёт тонгдай отар,  
Минг ҳаёт бўлар бекор.

Кўксимни кирар йириб,  
Бу ваҳшатли жараён...  
Мендан қолар қичқирик-  
Ва ҳаяжон... Ҳаяжон.

" Юрак тортилди таранг " деб бошланувчи ушбу шеърдаги тифнинг устида яланг бош-оёқ яшашга ҳавола этилган шоир юрагидаги силсила ва маънавий зилзилаларда туғилаётган ҳаяжон, яъни шоир билан дунё , шоир билан ҳаёт орасидаги мувозанатда айқаш-уйқашлик, минг ҳаёт туғилиб, минг ҳаёт тугаётгандаги ваҳшатли жараён... да туғилган ҳаяжон гўё ҳаётнинг бир лаҳзалик картинасини чизиб бергандай... юрагингга кўчади. Усмон Азим шеърятини таҳрир қилар экансиз унинг бир мисра ёки бир бандини мисол қилиб келтиришдан истиҳола қиласиз. Чунки унинг ҳар бир шеъри шундай мукамал яратилганки, гўё шеър бир тирик жонзот-у, унинг бир қўли ёки бир кўзини вужудидан айириб, таъриф-тавсифлаб бир бутунликка эришолмагандек, гўё шоир шеърятига хиёнат қилгандек ҳис қиласан ўзингни. Бир сатрнинг маъносини иккинчи сатр, иккинчи сатрнинг маъносини учинчи сатр... ва ҳоказо қаторлар бири-бирининг тадрижий давоми бўлиб дунёга келган. Мана шундай шароитда бир шеърни бутунлай таъриф-тавсифласанггина озгина бўлса ҳам мақсадга эришиш мумкин, деб ўйлайсан. Мана масалан.:

" Учолмасдан қолди жону тан", деб бошланадиган шеърини олайлик. Шеърда шундай бир гўзал тасвирлар бордир-ки, гўё муҳаббат ҳақидаги киноларни кўраётгандай кўз олдинда нозик ва нафис манзаралар намоён бўла бошлайди.:

" Учолмасдан қолди жону тан,  
Осмон қайда? Қарадим илкис.  
Сочин ёйиб фалакда шўх-шан  
Порлар қуёш - Барчиндай бир қиз.

Эшик олди бир парча чимзор,  
Шу чимзорда ётдим чўзилиб,  
Сочларимга шоду-бахтиёр,  
Чумолилар чиқди тизилиб.

Бир ниначи-саҳушу довдир,-  
Жирканмасдан кўнди қўлимга...  
- Титроқ етди жонимга довур,  
Ногоҳ ҳайрон боқдим ўлимга

Ва эшитдим ернинг тагида  
Дупир-дупир - елиб келар от,  
Мен - Алпомиш беҳол ётибман,

Шошиб келар Қоражон - Ҳаёт!

Мана шундай жуда катта насрий жараёнга лойиқ бўла оладиган мазмунни атиги тўртта бандда бера олиш - бу поэтиканинг ҳақиқий санъат даражасига кўтарилганлигининг белгисидир. Бундай поэтиканинг ижодий хусусиятлари эса ҳаётни янада гўзал, янада жозибали кўрсатишга хизмат қилади. Устоз Усмон Азимнинг етмиш йиллик таваллуд саналари муборак бўлсин деймиз.